



## STATE ADMINISTRATION OF THE ARABS IN CENTRAL ASIA

**Sherzod Iskandarov**

*doctor of philosophy (PhD) in history, associate professor*

*Tashkent Medical Academy*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [Iskandarov54@mail.ru](mailto:Iskandarov54@mail.ru)*

**Dilshodbek Ibragimov**

*student*

*Tashkent Medical Academy*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, Arabs, State, state administration.

**Abstract:** This article analyzes and discusses the topic of state governance of the Arabs in Central Asia.

**Received:** 10.10.24

**Accepted:** 12.10.24

**Published:** 14.10.24

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АРАБЛАРИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ

**Шерзод Искандаров**

*тариҳ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент*

*Тошкент тиббиёт академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [Iskandarov54@mail.ru](mailto:Iskandarov54@mail.ru)*

**Дилишодбек Ибрагимов**

*талаба*

*Тошкент Тиббиёт академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Араблар, Давлат, давлат бошқаруви.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Марказий Осиёда арабларининг давлат бошқарув мавзуси таҳлил ва муҳокама этилган.

## ГОСУДАРСТВЕННОЕ УПРАВЛЕНИЕ АРАБОВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ

**Шерзод Искандаров**

доктор философских наук (*PhD*) по истории, доцент

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [Iskandarov54@mail.ru](mailto:Iskandarov54@mail.ru)

**Дилишодбек Ибрагимов**

студент

Ташкентская медицинская академия

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Средняя Азия, арабы, Государство, государственное управление.

**Аннотация:** В данной статье анализируется и рассматривается тема государственного управления арабов в Центральной Азии.

Айрим шаҳарларнинг ҳокимлари маъмурий-молиявий ваколатлардан ташқари, ҳарбий қўшинларга ҳам қўймондонлик қилган. Кўп жойларда арабларнинг ҳарбий қисмлари жойлашган бўлиб, улар маҳаллий аҳолини итоатда сақлашда мухим рол ўйнаган. Араблар маъмурий бошқарув идоралари ва миршабларга ҳам эга бўлганлар. Бошқарув соҳасида араб зодагонлари йирик ер эгалари, руҳонийлар алоҳида ўрин тутганлар.

Мовароуннахрда араблар хукмронлиги ўрнатилиши билан унинг маънавий ва хуқуқий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Ислом дини расмий мафкура сифатида эътироф этилди. Барча ижтимоий-сиёсий, маданий ва хуқуқий масалалар ислом нуқтаи назаридан ҳал этиладиган бўлиб, ижтимоий муносабатлари мусулмон ҳуқуқий манба ва нормалари билан тартибга солинадиган бўлди.

Арабларнинг хукмронлиги даврида маҳаллий аҳоли асосий қисмини ташкил қилувчи дехқонлар, хунармандлар, чорвадорлар турмуши ниҳоятда оғир аҳволда бўлган. Маҳаллий аҳоли ариқ қазиши, қўприк қуриш, биноларни таъмирлаш ва бошқа жамоат ишларига ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан, мажбуран жалб қилинган, араб зодагонлари ва ҳарбий қўшини от-улов, кийим-кечак, озиқ-овқат, ем-хашак ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан таъминлашга, хирож (хосилнинг ўндан бири ёки ўндан икки қисми миқдорида), чорва, хунармандчилик, савдо-сотиқ молларидан закот (кирқдан бир), мусулмон давлати худудида истиқомат қилувчи бошқа динларга эътиқод қилувчилар жизъя каби солиқларни тўлашга мажбур эдилар.

Араблар зулмининг кун сайин кучайиб бориши Мовароуннахр аҳолисининг кескин норозилигига сабаб бўлади. 720 йилда сўғдликлар, 70-80 йилларда марвликлар, термизликлар, наршахликлар, бухороликлар, кешликлар, самарқандликлар араблар

хукмронлигига қарши қўзғолон кўтардилар. Қўзғолончиларнинг уюшқоқлигининг сустлиги, улар ўртасидаги гуруҳбозлик, ягона раҳбарликнинг йўқлиги, араблар қўшинларининг ҳарбий тайёргарлиги, сон ва сифат жиҳатидан устунлиги натижаси ўлароқ қўзғолонлар ўта қаттиқўллик билан бостирилади. Қўзғолонлар мувафаққиятсизлик билан тугаган бўлса-да, халифаликнинг заифлашувига, бошқа минтақалар аҳолисининг араблар хукмронлигига қарши норозилигининг кучайишига, озодлик ҳаракатларининг фаоллашувига кучли таъсир кўрсатди.

Ҳозирги Марказий Осиё худудида ўрта асрларда мавжуд бўлган давлатларнинг хуқуқ тизими ўзининг нисбатан мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва кўп манбалиги билан характерланади. Бунинг асосий сабаби VIII аср бошларида Мовароуннахрнинг араблар томонидан босиб олиниши ва бу ерда ислом дини ва шариат қонунларининг жорий этилиши, шу вақтгача амал қилиб келган.

Муҳаммаднинг энг яқин ворислари халифалар араб ҳарбий жамоасининг сайлаб қайтадиган бошлиқлари бўлиб, улар диний, ҳарбий фуқаро ҳокимиятини ўз қулларига олган эдилар. Уларнинг қароргоҳи Мадина шахри эди.

Бу халифалар чиқиб келишлари жиҳатидан Муҳаммаднинг ёки яқин дўйстлари эди. 632-661 йиллар даврида бирин-кетин Абубакр, Умар, Усмон ва Али идора қилди. Булар ичида иккинчи халифанинг Умарнинг (634-644) идора даври жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳудди шу Умар замонида араблар Сурияни, Фаластиинни, Мисрни, Эронни босиб олди. Араблар бу даврда бир қанча ажойиб ғалабаларни қулга киритди. Улар Суриядаги (636). Ёрмиқ дарёси буйида Қуддус ёнида (638) Византияликларни, Қадусия (637) ва Нехаван (642) хаҳарлари ёнида, қадимий Экбатанлар яқинида эронликларни тор-мор келтирди. Арабларнинг ғалаба қозонишига шу нарса катта ёрдам бердики, ўша вақтда ҳар иккала катта давлат Византия ва Эрон ҳам бир-бири билан узоқ уруш қилиб, холдан кетган эди. Бу иккала мамлакатнинг ҳам ўз ичида кескин социал зиддиятлар ҳукм сурар эди. Араблар эса ҳарбий ишда катта афзалликларга эга эди. Уларнинг асосий оммаси эркин кишилардан иборат бўлиб, булар уруғчилик алоқаларини маълум даражада сақлаб қолганди, аммо шу билан бирга улар жуда катта умуараф сиёсий ташкилотларига бирлашган эди. Қўчманчи бадавий қабилалар биринчи даражали енгил суворийлар билан донг чиқарди, улар ўзларининг шиддатлиги билан душманинг пиёда аскарини даҳшатга солар ва унинг бесунақай отлиқ қисмлари зўр муваффақият билан бостириб келар эди. Араблар бирлаштирувчи мафкураларини байроқ қилиб чиқардилар. Ер ва бошқа хил улжалар учун олиб борилаётган урушга «Оллоҳ йўлида» муқаддас уруш тузи берар, бунга араблар жуда қизиқарди.

Араблар истило қилган мамлакатларида маҳаллий ахолига аралашмай, алоҳида ҳарбий колонияларга бўлиниб яшади. Уларнинг ҳаётида ҳарбий-патриархал соддалик бирмунча вақтгача сақланиб қолди.

Месопатамиядаги Куфа, Басра ва бошқалар, шунингдек, мисрдаги Фустат (кейинчалик Кохира) араблар томонидан бунёд этилган ҳарбий поселенияларнинг энг иирикларидан эди.

Дамашақ халифалиги 90 йилча (661-750) давом этди. Шу вақт ичида халифалик ўз ерларини ниҳоят даражада кенгайтирди. VIII асрнинг бошларида Шимолий Африканинг бутун қирғоқи босиб олинди. 711-714 йилларда араблар Пирения ярим оролини истило қилдилар. Муовияни ўзи Константинолга икки марта, 669-680 йилларда юриш қилди. 717-718 йилларда араблар учинчи марта Константинопль остонасига келиб, уни бутун бир йил қамал қилиб турди. Шарқда эса араб лашкарбошилари Марказий Осиёнинг ичкарисигача кириб бориб, Хивани, Бухорони ишғол қилди, Афғонистонни ва Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини то Ҳинд дарёсига қадар бўлган ерларни истило қилди. Арманистон билан Грузия ҳам уммавийлар халифалиги таркибиغا кирап эди. Халифаликнинг чегаралари ғарбда Атлантика океанигача, шарқда Хитой билан Ҳиндистон чегараларигача бориб етди ва шундай қилиб, қадимги буюк монархияларнинг Александр Македонский монархияси ёки Август ва Траян замонларидаги Рим империяси монархиясининг территориясидан ҳам ошиб кетди.

Хукмрон синфларининг манфаатлари нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам уммавийларнинг социал базаси анча муқаммал эмас эди. Асосан Сурия Араб зодагонлари билан боғланган уммавийларнинг манфаатлари шарқий вилоятларга ёт эди. Месопотамия араблари Дамашқга доим қарши кайфиятда бўлиб келди. 747 йилда шарқий Эрон ва Хурсон дехқонлари ҳаракатига Абу-Муслим бошчилик қилди, у ерли жамоачи дехқонларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида уммавийларга қарши қўзғалон кўтарди. Қўзғалон кенг тус олди ва каттагина сиёсий оқибатларга олиб келди. Эрон Месопотамия феодаллари бирлашиб туриб, 750 йилда уммавийларни ағдарди, бундан улар Аб-Муслим бошлиқ ҳалқ дехқон ҳаракатларидан фойдаланадилар.

Суд ва бошқа маъмурий ишлар араб тилида олиб бориладиган бўлди. Араб қонунлари кодекси вужудга келтирилди.

Шарқда қадимдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда маҳаллаларнинг ўрни салмоқли бўлган. Маҳалла азалдан Марказий Осиё шаҳарлари ичидаги худудий бирлик бўлиб, бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган Осиё қитъаси ва мусулмон Шарқида давлат қурилиши ва бошқарув тажрибаси муайян хусусиятларга ва ўзига хос анъаналарга эга. Араблар

истилоси ва ислом дини қабул қилишидан анча илгари пайдо бўлган маҳалла муайян кичик худудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда кишилар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб–қоида, маънавий–аҳлоқий қадриятлар билан ўзаро боғланган.

Маълумки, ислом дини ва маросимларининг тикланиши ҳар бир инсонга доимо ўзини идрок қилишга, пок сақлашга, одамийлик хислатларини ўзида мужассам этишга, вайронкорлик (бузғунчилик) дан тийилиб туришга, меҳр–оқибатли, муруватли, диёнатли, ростгўй, меҳнатсевар бўлишга ўз халқига садоқат билан хизмат қилишга ундайди. Мустақиллик туфайли ислом дини мавқеининг тикланиши, диний маросимларни халқ қайтарилиши мусулмонларнинг муқаддас ҳаж амалларини адо этиш имкониятларига эришганликлари, диний–аҳлоқий масалалар бўйича турли китобларнинг чоп этилиши, анча масжиду, мадрасаларнинг фаолият юритиши, дин эркинлигини таъминлаш каби кўплаб савобли тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, маҳаллий араблар истилоси ва ислом дини қабул қилинганидан анча илгари пайдо бўлган муайян бир кичик худудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик билангида эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб–аҳлоқий нормалар, урф–одатлар ва анъаналар билан ҳам боғланган. Истиқломиз туфайли маҳалланинг қадимий мақоми қайта тикланиб, унинг тараққиётнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

**Хулоса** килиб шуни таъкидлаш ўринли, Марказий Осиёдаги арабларининг давлат бошқарув шакли ўзига хос стратегик аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Араблар эгалган худудларида хукмронлик қилиш мақсадди бошқариш тизимини жорий этиш қаттиқ қўллик билан олиб боришган. Чунки ислом дини маҳаллий халқининг онга сингдириш ҳамда босиб олинган худудларда ўз бошқаув тизимини жорий этишган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ал–Истахрий Китоб Масалик ал Мамалик МИИКК вып. 1. М. 1973.
2. Бартольд В.В. Сочинения Т II Ч. 1 – М.: Восточ.лит., 1964.
3. Наршахий. Бухоро тарихи. Т.: “Фан”, 1991
4. Ражабов. Р Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси Т.: Шарқ 2012.
5. Бўриев,О. Сайдов. Б Маҳалла-миллий тарихий институт Тошкент 2011